

**Сурхондарё вилояти 2018 йил январ-феврал ойлари учун  
иқтисодий фаолият турлари бўйича  
чакана савдо товарайланмаси кўрсаткичлари**

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва самарали бандлигини таъминлашда савдо соҳасини ҳар томонлама ривожланиши муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш учун савдо соҳасини жадал ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири сифатида қўйишмоқда. Савдо соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади, бу эса мазкур масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради.


Чакана савдо соҳасини ривожлантириш дастурининг асосий вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш натижасида Сурхондарё вилоятида 2018 йил январ-феврал ойларида чакана савдо товарайланмаси ҳажми 1152,4 млрд сўмни ташкил этди. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,2 фоиз ўсишни таъминлади.

Жадвал 1

**2018 йил январ-феврал ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича  
чакана савдо товарайланмаси (туманлар кесимида)**


<b>Чакана савдо товарайланмаси, умумовқтланиш қўшган ҳолда</b>	<b>Млрд сўм.</b>	<b>Ўсиш суръати % да</b>
<b>Вилоят бўйича</b>	1152,4	101,2
<b>Термиз шаҳар</b>	222,4	103,5
<b>Туманлар:</b>		
<b>Ангор</b>	55,9	100,3
<b>Олтинсой</b>	51,7	99,2
<b>Бойсун</b>	50,1	100,3
<b>Денов</b>	249,6	100,9
<b>Жарқурғон</b>	64,1	100,5
<b>Қумқурғон</b>	51,5	98,7
<b>Қизириқ</b>	52,3	101,3
<b>Музработ</b>	45,0	98,8
<b>Сариосиё</b>	51,5	100,7
<b>Термиз туман</b>	38,8	102,0
<b>Узун</b>	45,9	99,7
<b>Шерабод</b>	66,9	101,6
<b>Шўрчи</b>	106,7	99,0

2018 йил январ-феврал ойларида фаолият турлари бўйича чакана савдо товарайланмаси (туманлар кесимида улуши)



Таркибий тузилмага эътибор берадиган бўлсак, чакана савдо товарайланмасида Денов (21,7 фоиз), Термиз шаҳар (19,3 фоиз), Шўрчи (9,3 фоиз), Жарқурғон (5,5 фоиз) туманлари улуши юқори бўлди. Энг кам натижани Термиз туман (3,4 фоиз) туманида қайд этди.

2018 йил январ-феврал ойларида кичик тадбиркорликнинг чакана савдо товар айланмасидаги улуши (фоизда)



2018 йил январ-феврал ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товарайланмасидаги улуши (91,3 фоиз)ни ташкил этди. Шунингдек кичик тадбиркорликнинг ривожланиши чакана савдо товарайланмасида асосий таянчга айланмоқда. Бугунги кунда, вилоят аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш орқали, озиқ-овқат ва нооziқ-овқат товарларга бўлган талаб кескин ўзгармоқда ва ўз-ўзидан чакана савдо товарайланмаси йиллар давомида мунтазам ошмоқда.